

Фаол ёшларга Сурхондарё вилояти ҳокимининг пул мукофотлари топширилди



Воҳа ёшларини ягона мақсад йўлида бирлаштирган фестивалда энг фаол иштирок этган бир гуруҳ йигит-қизлар вилоят ҳокимининг 3-5 миллион сўм пул мукофотлари билан тақдирланди.

Бугун вилоят ҳокими ўринбосари Ж. Тўраев пул мукофотларини ўз эгаларига тантанали топширди. Тақдирланганлар сафида Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Камила Астанақулова, Термиз давлат университети талabalari Мунира Юсупова, Гулноза Ҳайдарова ва бошқалар бор.

Денов туманидаги Зартепа маҳалласида яшовчи Шаҳноза Очилдиева 49-мактабнинг 9-синфида ўқиёди. Болаликдан журналист бўлишни орзу қилган қизалоқ кўп йиллардан буён назм ва насрда ижод қилиб келади. Мамлакат ва вилоят ёшлари ўртасида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда фаол иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритмоқда. Яқинда унинг “Юракдаги орзуларим”, деб номланган илк шеърий тўплами нашрдан чиқди.

Ёшлар фестивалида фаол иштироқи учун Шаҳноза ҳам вилоят ҳокими томонидан уч миллион сўм пул мукофоти билан рағбатлантирилди.

-Бу фестиваль менинг ҳаётимда алоҳида из қолдирмоқда, – дейди Ш.Очилдиева.
- Айниқса, унда миллий қадриятларимиз улуғланиб, қорабайир от, дўппи ва дўмбира кенг тарғиб қилингани, спорт беллашувлари, китобхонлик ва ёш ижодкорлар кўрик-танловлари ўтказилгани мен учун кутилмаган янгилик бўлди. Воҳамизнинг турли ҳудудларидан янги дўстлар орттиридик. Бошқа ёшлар қаторида мен ҳам вилоят ҳокими мукофотига сазовар бўлганимдан хурсандман. Энди бу пул мукофотини ҳам қўшиб, иккинчи китобимни чоп этишга бераман. Биз, ёшларнинг бахту-камолатимиз йўлида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиб, ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаётган, истеъдодимизни кенг намойиш этиш учун барча шароитларни яратаБўлган давлатимиздан миннатдормиз.

“Ёшлар ойлиги” доирасида мустақиллигимизнинг 30 йиллигига бағишилаб ўтказилган фестиваль доирасида вилоятда 325 дан ортиқ турли тадбир ўтказилди.